

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСМОЙЛОВ ФУРҚАТ БАРОТОВИЧ**

**ЖУННИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН  
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.06.02.-Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов  
бириш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Исмойилов Фурқат Баротович**

Жунни дастлабки ишлашда такомиллаштирилган технологик  
жараёни тадқиқ қилиш ..... 3

**Исмойилов Фурқат Баротович**

Исследование усовершенствованного технологического процесса  
первичной обработки шерсти..... 23

**Ismoyilov Furkat**

Investigation of an improved technological process for the primary  
processing of wool..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/29.10.2021.Т.101.03РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСМОЙИЛОВ ФУРҚАТ БАРОТОВИЧ**

**ЖУННИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН  
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.06.02.-Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов  
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФАРАТИ**

**Бухоро – 2021**



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тўқимачилик хомашёларини қайта ишлаб рақобатбардош маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш, янги ишлов бериш усулларини қўллаш, тўқимачилик хомашёларининг сифатини сақлаб қолиш ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё микёсида йилига 1,160 млн тонна жун толаси ишлаб чиқарилади<sup>1</sup>. Бу эса ўз навбатида тўқимачилик саноатида жун хомашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш технологияси ҳар бир минтақадаги жуннинг табиий хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида технологик жараёни ишлаб чиқишни ҳамда иш жараёнини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан жун толасининг табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда тозалаш самарадорлиги ошириш бўйича юқори қурилмалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жунни дастлабки ишлаш унинг таркибидаги бегона аралашмаларни тозалаш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жунни дастлабки тозалаш босқичида – йирик ва майда бегона аралашмалардан тозалашда толанинг табиий хусусияларини сақлаган ҳолда энергия-ресурстежамкор машиналарни ишлаб чиқиш ҳамда тозалаш жараёнида такомиллаштирилган машиналарни яратишга ва параметрларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда жунни дастлабки ишлаш корхоналардаги технологияларни тадқиқ қилиш, ҳозирги кунда мавжуд маънан ва технологик жиҳатдан эскирган, жунни титиш ҳамда ювиш жараёнидаги машиналарни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, минтақамизда етиштирилаётган жун хомашёсининг хусусиятларига мос технологияларни яратиш долзарбдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар томонидан етиштирилган қўй териси, қорақўл териси ва жунни харид қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш ташкилотларига етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 649-сонли қарорида жунни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup><https://www.commonobjective.co/article/global-wool-production-and-sustainable-standards>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жунни тозалаш усуллари ва жунни қайта ишлаш машиналарини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда А.А.Угрюмов (Россия), К.В.Афанасьев (Россия), Л.С.Горбунова (Россия), С.А.Носкова (Россия), Я.Я.Липенков (Россия), А.М.Домашинко (Россия), В.И.Безруков (Россия), Н.И.Шлеудяков (Россия), Е.В.Грязнова (Россия) шуғулланишган. Жунни титиш тозалашда қозикчали барабанли тозалаш машиналарини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар А.Г.Печникова (Беларуся), В.Г.Алексеев (Польша), А.Г. Johnson (АҚШ) ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада жунни қайта ишлаш машиналарини такомиллаштириш ва уларни оптимал ечимларини топишга қаратилган фундаментал ва амалий изланишлар бўйича тадқиқотлар Х.Т.Аҳмедхўжаев, М.Қ.Қулметов, С.А.Юсупов, Ш.М.Ризаев, М.Д.Зокиров, Ж.А.Қаюмов, Б.Б.Ахмедов, Ж.Қ.Ғофуров ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқот юзасидан олиб борилган тадқиқотларда жунни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, физик-механик хоссаларини аниқлаш, қайта ишлашда жунни ювиш, тараш, ишлов беришда кимёвий технологиялардан фойдаланиш ҳамда такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, жунни титиш технологияси ва ресурстежамкор, машиналарнинг самарали конструкцияларини яратишга қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш агентлигининг дастурларига киритилган мавзулар билан бевосита боғлиқ, жумладан, ЁОТ-Фтех-2018-53 “Маҳалий жунларни ўсимлик

аралашмаларидан тозалаш технологияси илмий асосларини ишлаб чиқиш” давлат гранти ва Бирлашган миллатлар ташкилотининг № РО/0006/20 грант лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** жунни титиш машинасининг такомиллашган конструкциясини ишлаб чиқиш орқали тозалаш самарадорлигини ошириш ва ишчи қисмларининг рационал кўрсаткичларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жунни дастлабки ишлаш технологиялари ва техника воситаларига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

жунни титиш машиналари технологик кўрсаткичларини маҳаллий жун хусусиятларига мослаштирган ҳолда такомиллаштириш;

жун толасини титиб тозалаш самарадорлигини оширадиган янги конструкциядаги титиш машинасини ишлаб чиқиш;

янги конструкциядаги титиш машинасининг тозалаш самарадорлигини назарий ва амалий ўрганиш;

тўлиқ факторли тажрибалар асосида жунни титиш машинаси рационал кўрсаткичларини аниқлаш;

янги конструкциядаги жунни титиш машинасини ва мавжуд вариантдаги титиш машинаси билан ишлаб чиқариш шароитида қиёсий синовларини ўтказиш;

титиш машинасининг ишчи қисмларини мақбул параметрлари ва иш режимларини назарий ва тажрибавий асослаш;

жунни дастлабки ишлаш корхонасида янги конструкциядаги титиш машинасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** жун хомашёсини дастлабки ишлаш техника ва технологияси ҳамда 2БТ-150Ш титиш машинаси.

**Тадқиқотнинг предмети.** Жунни титиш машинасини ишчи қисмлари параметрлари ва унинг ишлаш режимлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Жунни титиш қурилмасини ишлаб чиқиш жараёни назарий ҳисобий ва экспериментал тадқиқотлари ишлаб чиқаришда лаборатория шароитида тематик режалаштириш орқали олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали ўтказилган. Шунингдек тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар Компас 3D V16, Matlab(ML), Мерле-3 ёрдамида интерпретацияси 0,95 аниқликда оптималлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

жунни титиш машинасида такомиллаштирилган таъминлаш валиклари ва тозалаш камерасида ўткир бурчак шаклли колосниклар лойиҳаланган ҳамда тозалаш самарадорлиги юқори бўлган машинанинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган титиш машинасида қўшимча бир жуфт таъминлаш валикларининг тозалаш самарадорлигига таъсири аниқланган, валиклар орасидаги масофанинг рационал қийматлари асосланган;

колосник панжара ёйи бўйлаб жун хомашёсининг зичлиги ўзгариши математик моделлар асосида изоҳланган, назарий-тажрибавий тадқиқотлар натижалари асосида колосник панжаранинг такомиллашган конструкцияси яратилган;

қозикли барабан ва колосникли панжара орасидаги масофанинг жун хомашёси таркибидан ифлос аралашмаларни ажралиш коэффициенти аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

жунни дастлабки ишлаш жараёнида титиш машинасининг тозалаш самарадорлиги юқори ва ресурстежамкор машинаси ишлаб чиқилган;

қўшимча таъминлаш валикларидан фойдаланиш натижасида қозикли барабандан жун бўлакларини ажралиши яхшиланди ва жун толасининг табиий хусусиятлари бузилмаслиги аниқланди;

такомиллаштирилган таъминлаш қурилмасида кузги мавсумда қирқилган жунни тозалаш самарадорлиги 12,1%, машинанинг унумдорлиги 690 кг/соат ни ташкил қилди. Бахорги мавсумда қирқилган жуннинг тозалаш самарадорлиги 16,0% ни ташкил қилди;

тавсия қилинаётган янги титиш машинасидан фойдаланилганда, кузги мавсумдаги жунда 10,0% дан 14,5% га, бахорги мавсумдаги жунда эса 13,0% дан 20,2% гача тозалаш самарадорлиги ошгани аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган хулосалар ва тавсиялар, тажриба синовларини лаборатория ва жунни дастлабки ишлаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, уларни маълум баҳолаш меъзонлари бўйича адекватлиги, апробация ва жорий қилиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқиётган фан соҳасидаги маълумотларни қиёсий таҳлили билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти такомиллаштирилган, янги юқори иш унумли энергиятежамкор жунни титиш машинасининг конструкцияси яратилганлиги ва унинг асосий технологик ва ишчи параметларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқилганлиги ва жун бўлакчаларини қозикли барабанда ҳаракатланиш қонуниятлари, қиррали колосникни жун бўлакларига таъсири, жунни титилиш кўрсаткичи жуннинг зичлигига боғлиқлик қонуниятлари назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Жунни дастлабки ишлаш корхоналарида титиш тозалаш жарёнини яхшилаш асосида, шунингдек янги конструкцияли ускунанинг параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

жунни дастлабки ишлаш корхоналарида титиш тозалаш жарёнини яхшилаш асосида сифатли тола олиш самарадорлигини оширишни ва энергия тежамкорликни таъминлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар асосида янги конструкциядаги титиш машинасининг конструкциясини яратилган ва



№ FAP 01555-сонли фойдали модел Ўзбекистон Республикаси патенти олинган;

янги ускунани “Ўзчармсаноат” уюшма таркибидаги корхоналарда жумладан, Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманидаги “Оқбўтаева Зулхумор” ХК, Бухоро шаҳар “Тинчлик” ХК корхоналарида жорий этилган бўлиб (“Ўзчармсаноат” уюшмасининг маълумотномаси 13 июль 2021 йил №ФБ-7/1928). Тозалаш самарадорлиги такомиллаштирилган жунни титиш машинасидан фойдаланилганда бахорги жунда 10% дан 14,5% га кузги жунда эса 13% дан 20,2% га яхшиланишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг 1 та фойдали моделга патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бўйича хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, диссертация ишининг асосий мазмуни ва таркиби ёритилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон шароитида йиғиб олинадиган жунларнинг табиий хусусиятлари, жун хомашёсини титиш техника ва технологиясини такомиллаштириш тадқиқотларини таҳлили”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича аналитик таҳлил ўтказилган ва тадқиқот йўналишлари асосланган.

Адабиётлар шарҳида Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган жун хомашёсининг сифат кўрсаткичлари, ҳамда физик-механик ва технологик хусусиятлари етарли даражада таҳлил қилинган. Жун хомашёсини дастлабки ишлаш техника ҳамда технологияларининг ишлаш принципи ва технологик камчиликлари аниқланган. Жунни титиш машиналарини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Биринчи боб бўйича кўриб чиқилган тадқиқотларнинг таҳлиliga асосланиб қуйидаги хулосалар чиқарилди. Ўзбекистонда етиштирилаётган жун хомашёларини қайта ишлаш йўриқномаларини тайёрлаш лозим. Жунни дастлабки ишлаш корхоналарида асосан қорақўл зотли қўйлар жуни қайта

ишланади ва экспорт ҳажмини ташкил қилади. Шу боис қорақўл жунининг технологик кўрсаткичлари экспериментал тадқиқ этишни тақазо этади. Қайта ишланадиган жун хомашёсини дастлабки ишлаш корхоналарига келишидан олдин саноат навига ажратиш ва ифлосланиш даражасини камайтиришга қаратилган йўриқномаларни ишлаб чиқиш лозим.

Ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, жунни титиш жараёнида хомашёни титилиши ва тозаланишига таъсир этадиган кўпгина жиҳатлари очиб берилмаган. Жуннинг титилиш кўрсаткичи, тозалаш самарадорлиги ҳамда маҳсулот сифат кўрсаткичлари талаб даражасида эмас. Жунни дастлабки ишлаш жихозларини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, титиш машинасида тозалаш самарадорлиги оширишга қаратилган ва жуннинг табиий хусусиятларини сақлаш имкониятини берадиган технологиясини яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Жунни титиш жараёнида тозалаш самарадорлиги таъминлаш қурилмаси ва колосникли панжаранинг конструктив ўлчамига боғлиқ.

Титиш жараёнида жун таркибидаги ифлос аралашмалардан тозалашнинг рационал кўрсаткичлари аниқланди. Жунни титиш жараёнида зичлигини камайтирган ҳолда титилиш ва тозалашнинг асосланган техникавий ечимига таклиф берилди.

Диссертациянинг **“Жунни титиш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг назарий тадқиқи”** деб номланган иккинчи бобида, ишчи камерада қозикли барабанни жун массага таъсири, колосникли панжаранинг тозалаш самарадорлигига таъсирининг назарий таҳлили келтирилган.


Жун хомашёсини тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи колосник кирраларини геометрик параметрларини қуйидагича кўриб чиқамиз (1-расм).

Ушбу  $\dot{\theta}_1 = \frac{d\theta_1}{dt} = y(\theta_1) = \sqrt{z(\theta_1)}$  тенгликдан фойдаланиб вақт билан бўлакчанинг буралиш бурчаги орасидаги боғланишни аниқлаймиз:

$$\omega_0 t = \int_{\theta_0}^{\theta_1} \frac{\exp[f(z - \theta_0)] dz}{\sqrt{1 + \beta F_1(z)}} \quad (1)$$

Бу ерда  $F_1 = F(z) - F(\theta_0)$ ,  $\beta = 2g / R\omega_0^2$

1-расмда (1) тенгликдаги интегралнинг ҳар-хил  $n$  (панжарадаги бўлакча билан контактда бўлган колосниклар улуши) ларда сонли усулда олинган графиклари келтирилган. Ҳисобларда  $\theta_0 = 0$ ,  $\theta_1 = 2.56$  рад,  $R = 0.225$  м,  $\omega_0 = 52c^{-1}$ ,  $f_0 = 0.3$  қабул қилинган 1-расмда (1) тенгликдаги интегралнинг ҳархил  $n$  (панжарадаги бўлакча билан контактда бўлган колосниклар улуши) ларда сонли усулда олинган графиклари келтирилган. Ҳисобларда  $\theta_0 = 0$ ,  $\theta_1 = 2.56$  рад.,  $R = 0.225$  м,  $\omega_0 = 52c^{-1}$ ,  $f_0 = 0.3$  қабул қилинган. (Икки марта такрорланган).



1-расм. Икки колосник орасидаги бўлакчанинг ҳархил  $n$  ларда вақт  $t(\text{сек})$  бўйича ҳаракат қонуни.  $1 - n = 0.55$ ,  $2 - n = 0.65$ ,  $3 - n = 0.75$ ,  $4 - n = 0.85$ .

Графиклар таҳлилидан бўлакча билан колосник контакт юзасининг ошиши унинг юза бўйлаб сарфланадиган вақтининг ҳам ошишини кўрсатаёпти. Бу ҳол эса бўлакчадан кўпроқ ифлослик ажралиш имкониятини яратиши мумкин. Колосникли панжара юзасида ҳаракатланаётган жун тутамидан ажраладиган ифлосликлар миқдорини аниқлаш учун А.Г. Севостьянов таклиф этган моделдан фойдаланамиз. Бу моделга кўра ифлослик ажралиши натижасида бўлакча массаси  $dm$  га нисбатан нисбий камайиши бўлакчанинг  $d\theta_1$  бурчакка бурилишига пропорционал бўлади ва бу қонун ушбу тенглик билан ифодаланади

$$\frac{dm_1}{m_0} = -\lambda d\theta_1 \quad (2)$$

Бу ерда,  $m_0$ -икки қозикча орасидаги бўлакчанинг ифлосликлар билан биргаликдаги массаси,  $\lambda$ -тажриба асосида аниқланадиган пропорционааллик коэффициентини, умумий ҳолда коэффициент бурчак  $\theta_1$  га боғлиқ бўлади.

(2) тенгламани  $m = m_0$   $\theta_1 = 0$  бўлганда шартидан фойдаланиб интеграллаймиз:


$$m = m_0 \exp(-\lambda\theta_1)$$

Ажралган ифлосликлар нисбий миқдори (тозалаш самарадорлик коэффициентини):

$$\varepsilon = \frac{m_0 - m}{m_0} = 1 - \exp(-\lambda\theta_1)$$

Буерда  $\theta_1 = \theta_1(t)$  (1) формулага асосан вақт  $t$  нинг ошқормас функцияси ҳисобланади. 2-расмда  $\varepsilon = \varepsilon(\theta_1)$  функциянинг  $\lambda$  нинг ҳархил қийматларида  $\theta$  бўйича ўзгариш графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилидан коэффициент  $\lambda$  параметрнинг ошиши билан унинг бошланғич қийматларида интенсив ошиб бориши кузатилади. Унинг кичик қийматларида коэффициент билан бурчакнинг боғланиши тўғри чизиққа яқин.  $\lambda$  - коэффициент технологик

параметр ҳисобланиб, унинг қиймати тозаланадиган бўлакча структураси ва колосникли панжара конструкциясига боғлиқ бўлади. Самарадор технологияда коэффициент қиймати юқори бўлиши лозим. Агар бўлакча структураси мураккаб бўлиб, ифлосликлар ажралиши қийинлашган ҳолда бўлса бу параметрнинг қиймати кичик бўлади.




2-расм. Тозалаш самарадорлик коэффициенти  $\varepsilon(\%)$  нинг ҳархил  $\lambda$  ларда бурчак  $\theta$  га нисбатан ўзгариш графиклари.

1 –  $\lambda = 0.05$ , 2 –  $\lambda = 0.1$ , 3 –  $\lambda = 0.15$ , 4 –  $\lambda = 0.2$ , 5 –  $\lambda = 0.25$ .

Ажралган ифлослик миқдорини унинг нисбий унумдорлиги  $Q/Q_0$  ифодасини ушбу интеграл орқали ифодалаш мумкин:

$$\frac{Q}{Q_0} = \int_0^{\theta_0} [1 - \exp(-\lambda\theta)] d\theta = \frac{\lambda\theta_0 - 1 + \exp(-\lambda\theta_0)}{\lambda}$$



3-расм. Бўлакча таркибидан ажралган ифлосликлар миқдори  $Q/Q_0$  (фоизда) нинг параметр  $\lambda$  га нисбатан ўзгариш графиги.


Амалда бу графикдан фойдаланиш учун намунада махсус тажриба ўтказиб, нисбат  $Q/Q_0$  аниқланиб графикдан унга мос  $\lambda$  аниқланади, ва бу

коэффициентада танланган жун бўлакчаларини назарий ҳисоблар асосида ажратиладиган ифлосликлар қийматига баҳо берса бўлади.

Жун хомашёси таркибидан ифлос аралашмаларнинг ажралиши натижасида тола массасининг пасайишининг дифференциал шакли А.Г. Севостьяновнинг модели бўйича аниқланади.

а)  $f = 0.5$

б)  $f = 0.6$




4-расм.  $Q_0$  (кг/соат) турли кирувчи қийматларда  $f = 0.5$  (а) ва  $f = 0.6$  (б) учун тозаловчи ёй бўйлаб зичлик тақсимоти.

1 –  $Q_0 = 500$ , 2 –  $Q_0 = 600$ , 3 –  $Q_0 = 700$ , 4 –  $Q_0 = 800$ , 5 –  $Q_0 = 900$ .

$f$  - ишқаланиш коэффициентининг ифлос аралашма миқдорига сезиларли таъсири аниқланди.

а)  $f = 0.5$

б)  $f = 0.6$



5-расм. Тозалаш ёйи бўйича самарадорлик коэффициентини  $\varepsilon$   $f = 0.5$  (а) ва  $f = 0.6$  (б) учун турли  $Q_0$  (кг/соат) қийматларда тақсимланиши.

1 –  $Q_0 = 500$ , 2 –  $Q_0 = 600$ , 3 –  $Q_0 = 700$ , 4 –  $Q_0 = 800$ , 5 –  $Q_0 = 900$ .

Диссертациянинг “Жунни титиш жараёнини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобида жунни титиш машинасидаги таъминлаш қурилмасининг иш унумдорлигига боғлиқлиги аниқланди. Жун хомашёси

таркибидан ифлос аралашмаларни ажратишда колосникли панжаранинг колосник конструкциясига ва ишчи камерадаги маҳсулот зичлигига боғлиқлиги тажриба жараёнида аниқланди.

Қоракўл қўй жуни таркибидаги ифлос аралашмалар миқдори ўрганилди ва таҳлил қилинди 1- жадвал.

**1-жадвал**

**Қоракўл зотли қўй жунидаги ифлослик миқдори**

Жун тури	Жун таркибидаги ўртача ифлослик %					
	Ёғ-тер	намлик	Хас-чўп аралашмалари	Минерал аралашмалар	гўнг	тола
Қоракўл	11-12	10	3	4-14,5	2-2,5	58-80

Жунни титиш жараёнида ва ундан олдин хомашё таркибида ифлосликлар улуши ўрганилди. Шунга кўра дағал жун таркибида 20-32% ифлослик бўлиши, умумий ифлос аралашмаларнинг 10-16% титиш жараёнида ажратилиши аниқланди.

Қоракўл жуни таркибидаги ифлос аралашмаларнинг миқдори қирқим даврига кўра фарқ қилади 2- жадвал.

**2-жадвал**


**Титиш жараёнида жун таркибидан ажратиладиган ифлослик улуши**

Қоракўл жуни	Умумий ифлослик,%	
	Титиш жараёнида ажратиладиган ифлослик миқдори, %	Титиш жараёнидан кейин ажратиладиган ифлослик миқдори, %
Кузги	10	10
Бахорги	13	14
Ифлослиги юқори	16	16

Ҳозирда Республикамиздаги жунни дастлабки ишлаш корхоналарининг аксариятида 2БТ-150Ш жунни титиш машинаси қўлланиб келинмоқда. Қашқадарё вилоятида “Оқбўтаева Зулхумор” ҳамда Бухоро вилоятида фаолият кўрсатиб келаётган “Тинчлик” хусусий корхоналаридаги титиш жараёни таҳлил қилинди. Натижада титиш жараёнидаги технологик нуқсонлар аниқланди. Хўжаликлардан олиб келинган жун хомашёси корхоналарда саралангандан сўнг титиш машинасида титилади. Аммо титиш жараёнидан сўнг жун таркибидаги ифлослик миқдори текширилмайди. Жун таркибидаги ифлос аралашмаларнинг ажратишнинг асосий қисми ювиш жараёнида амалга оширилади. Мазкур нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда таклиф этилаётган титиш машинаси хизмат қилади.(6-расм)



а



б

**6-расм. а) Таклиф этилаётган титиш машинасининг умумий кўриниши;**

**б) Таклиф этилаётган титиш машинасининг конструктив кўриниши:**

- 1-жунни таъминлаш столи; 2 – таъминлаш валиги; 3 – ростланувчи валик;  
 4 – сиқувчи валик; 5 - столник; 6, 9 – қозикли барабан; 7 – колосникли панжара; 8 – ажратувчи барабан; 10 – тўрли сирт; 11 – уч қиррали колосник;  
 12 – вентилятор; 13 – ифлослик бункери.


Тажриба ўтказишдаги жуннинг кўрсаткичлари ГОСТ 26588-85 стандартга келтирилган мувофиқ бахорги ва кузги қирқимда олинган жун хомашёларидан фойдаланилди. Тажрибалар бахорги жун таркибида умумий ифлос аралашмалар миқдори 27% ни, кузги жунда эса 20% ни ташкил қиладиган жунда бажарилди. Тажрибалар такомиллаштирилган титиш машинасининг таъминлаш қурилмасида мавжуд (айлана прутдан тайёрланган) колосник панжарасида олиб борилди.

Такомиллаштирилган конструкциядаги таъминлагичларга қуйидаги вазифалар юклатилган:

- ҳаракатланаётган жун қатламини чўзиб, бир маромда узатиш;
- таъминловчи валиклар орасида жунни сиқиши;
- қозикчали барабанга қисман параллеллаштирилган маҳсулотни узатиши.

Тажрибалар 2- валик ва 3- валик ораси 5, 10, 15мм масофада ва чизиқли тезлиги 0,15; 0,2; 0,25м/мин да бир соат давомида ўтказилди.

Натижалар шуни кўрсатадики сиқиб узатувчи таъминлаш валиклари ўрнатилганда, ифлослик ажралиши бахорги жунда 16,0% кузги жунда эса 12,1% ни ташкил қилди. Намуналардаги ифлослик қолдиқлари миқдори бахорги жунда 11,0% га кузги жунда 7,9% ни ташкил қилди. Лойиҳаланган бир жуфт валиклар таъсири натижасида ифлос аралашмалардан тозалаш даражаси ошди. Таъминлаш валиклари орасидаги технологик тирқиш 10 мм бўлганда ифлос аралашмаларнинг ажралиш миқдори 12,1-16,0% ни ташкил этди. Тажрибалар олиб бориш жараёнида асосий кўрсаткич сифатида тозалаш самарадорлиги олинди.



- 1 – таъминлаш столи,
- 2 – жуфт валиклар,
- 3 – ростланувчи валик,
- 4 – сиқиб узатувчи валик,
- 5 – столча,
- 6 – қозикли барабан,
- 7 – колосникли панжара.

7-расм. Такомиллаштирилган таъминлаш қурилмасининг схемаси.

Ўтказилган тажрибалардан келиб чиқиб, таъсир этувчи омиллар: колосник қирраси  $x_1$  колосниклар орасидаги масофа  $x_2$  ва колосник ҳамда қозикча орасидаги масофа  $x_3$  билан машинанинг тозалаш самарадорлиги  $Y_1$  (кг/соат) орасида тўғри чизиqli регрессион боғланиш борлиги аниқланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тажрибалар учун тўла омилли тажриба (ТОТ)  $2^2$  матрицаси асосида тажрибалар ўтказиб, регрессион математик модел олинди.

### 1-жадвал

#### Режанинг табиий берилиши

Омиллар	I-тажриба			
	$X_{\min}$	$X_{\max}$	$\Delta$	$X_0$
колосник қирраси – $\alpha$ [°]	30	50	10	40
колосниклар орасидаги масофа – $l$ [мм]	5	15	5	10
колосник ва қозикча орасидаги масофа – $l$ [мм]	15	35	10	25

Компьютер дастуридан фойдаланиб, колосник қирраси колосниклар орасидаги масофа ва колосник ва қозикча орасидаги масофа билан машинанинг тозалаш самарадорлиги (кг/соат) орасида боғлиқликнинг регрессион тенгламаси олинди, Кохрен, Стъудент ва Фишер мезонлари бўйича текширилди ва у қуйидаги кўринишга келди:

$$y := 17.08750000 + 1.41250000 X_1 + 1.13750000 X_2 - .46250000 X_3 - .18750000 X_1 X_2 + .31250000 X_1 X_3 + .21250000 X_2 X_3 - .46250000 X_1 X_2 X_3$$




Статистик ишлов натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Унинг танланган интервалида колосниклар орасидаги масофа (иккинчи омил) билан колосник қирраси (биринчи омил) орасида чизиқли боғланиш мавжудлиги кузатилди.

$$\bar{y} = F(X_2, X_3) = 17.0875 + 1.4125X_1 + 1.1375X_2 - 0.4625X_3 = y_0 = const$$

Бу ҳол амалда тозалаш самарадорлигини танлашда кўрсатилган икки омил асос боғланишдан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Шундай қилиб регрессия тенгламаси, агар тозалаш самарадорлиги  $y_0$  танланган бўлса, колосник қиррасининг ҳар бир қийматида колосниклар орасидаги масофа регрессион боғланишдан аниқлаш зарурлигини белгилайди.


$$X_3 = -1 \text{ (қозикча ва колосниклар орасидаги масофа } x_3 = 15\text{мм)}$$



**8-расм.** Учинчи омил  $X_3 = -1$  (қозикча ва колосниклар орасидаги масофа  $x_3 = 15\text{мм}$ )

бўлганда чиқиш параметри  $y = y_0$  нинг ҳар хил қийматларида иккинчи  $X_2$  омил (колосниклар орасидаги масофа)нинг биринчи омил  $X_1$  (колосник қирраси) билан боғлиқлик графикари:  $1 - y_0 = 14.1$ ,  $2 - y_0 = 14.7$ ,  $3 - y_0 = 15.2$ ,  $4 - y_0 = 15.8$ ,  $5 - y_0 = 16.5$ ,  $6 - y_0 = 17.2$ ,  $7 - y_0 = 17.8$ .


$$X_3 = 0 \text{ (қозикча ва колосниклар орасидаги масофа } x_3 = 25\text{мм)}$$



**9-расм.** Учинчи омил  $X_3 = -1$  (қозикча ва колосниклар орасидаги масофа  $x_3 = 25\text{мм}$ )

бўлганда чиқиш параметри  $y = y_0$  нинг ҳар хил қийматларида иккинчи  $X_2$  омил (колосниклар орасидаги масофа)нинг биринчи омил  $X_1$  (колосник қирраси) билан боғлиқлик графикари:  $1 - y_0 = 15.2$ ,  $2 - y_0 = 15.8$ ,  $3 - y_0 = 16.4$ ,  $4 - y_0 = 17$ ,  $5 - y_0 = 17.7$ ,  $6 - y_0 = 18.3$ ,  $7 - y_0 = 18.95$ .

$$X_3 = 1 \text{ (қозикча ва колосниклар орасидаги масофа } x_3 = 35\text{мм)}$$



**10-расм.** Учинчи омил  $X_3 = -1$  (қозиқча ва колосниклар орасидаги масофа  $x_3 = 35\text{мм}$ )

бўлганда чиқиш параметри  $y = y_0$  нинг ҳархил қийматларида иккинчи  $X_2$  омил (колосниклар орасидаги масофа)нинг биринчи омил  $X_1$  (колосник қирраси) билан боғлиқлик графиклари:  $1 - y_0 = 16.35$ ,  $2 - y_0 = 16.9$ ,  $3 - y_0 = 17.5$ ,  
 $4 - y_0 = 18.2$ ,  $5 - y_0 = 18.8$ ,  $6 - y_0 = 19.4$ ,  $7 - y_0 = 20.1$ .

Ўтказилган тажрибалардан келиб чиқиб, таъсир этувчи омиллар колосник қирраси, колосниклар орасидаги масофа ва колосник ва қозиқча орасидаги масофа билан машинанинг тозалаш самарадорлигига ва толанинг зичлиги орасида тўғри чизиqli регрессион боғланиш бор эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Жунни дастлабки ишлашда такомиллашган технологик оқимни ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган тўртинчи бобида жунни титиш машинасини таъминлаш қурилмаси ва колосникли панжарасини такомиллаштириш бўйича таклиф берилди.

Таъминлаш жараёнида жун толалари қисман параллеллашиши кузатилди. Қисман параллеллашган толалар таркибидан ифлос аралашмаларнинг ажралиши яхшиланганлиги аниқланди. Жун қатламида толалар тартибсиз ҳолатда бўлиши ифлос аралашмаларни активлигини билдиради. Таъминланаётган жун хомашёсини чўзиш жараёнини амалга ошириш учун рифлали валиклар орасидаги масофа жун толаларининг узунлигидан каттароқ бўлиши керак, яъний 110 мм дан катта. Акс ҳаолда жуфт валиклар билан сиқиб узатувчи валик орасида толаларнинг штапел узунлиги қисқаради ёки тола шикастланади.

Кўриниб турибдики, таъминлаш валиклари жун хомашёсини чўзиш ҳисобига жун қатламини пасайтиради, қозиқли барабанларларга жун бўлакларини бир маромда ёйиб етказишни ўз ичига олади. Маълумки, кичик ҳажмдаги хомашё таркибидан майда ифлос аралашмаларни ажратиш осонроқ. Қозиқли барабан қозиқчасининг эгри шаклга эгалиги хомашёни қозиқчага ёпишмаслиги ва жун толалаларига таъсири натижасида унинг табиий хусусиятларини камайтирмайди (11-расм).



11-расм. Жунни титиш машинасининг тажриба нусхаси.

Такомиллаштирилган машинада янги таъминлагич жун қатламини чўзиб узатиши аниқланди. Натижада биринчи қозикли барабанга жунни тикилиб қолиш муаммолари ечилди кузатилмади. Колосник конструкцияси ўзгартирилганда жун таркибидан ифлослик ажралиши ва титилиш самарадорлигини ошишига эришилди.

Жунни титиш технологик жараёнини такомиллаштириш орқали тозалаш самарадорлиги кузги жунда 4,5% бахорги жунда 7,2% га оширилди ва 1 тонна жун толасига 33357,1 сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Жунни титишда самарали технологиясини тажриба нусхаси синов жараёнида ишлаш қобилияти юқорилиги аниқланди. Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Қўрғонтепа МФЙ да жойлашган. “Оқбўтаева Зулхумор” хусусий корхонасида тажрибалар ўтказилди 2-жадвал.

2-жадвал

**Тажриба - синов натижалари**

№	Кўрсаткичлар	Мавжуд технологик жараёнда		Таклиф этилаётган технологик жараёнда	
		Кузги	Бахорги	Кузги	Бахорги
1	Намлик даражаси, %	10,0			
2	Жунни титишдан олдинги зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	48			
3	Жунни титишдан кейинги зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	33,6	38,4	28,8	24
4	Дастлабки ифлослик, %	20	27	20	27
5	Тозалаш самарадорлиги, %	10	13	14,5	20,2
6	Калта дағал толани ажралиши, %	3,2	1,5	4,5	2

Тажрибаларнинг биринчи босқичи таъминлаш қурилмасида олиб борилди. Таъминлагичнинг самарадорлигини аниқлашда қоракўл жунининг кузги ва бахорги жунларидан фойдаланилиб тажриба синовлари ўтказилди.

Таъминлаш қурилмасида олиб борилган тажриба натижасида кузги жунни тозалаш самарадорлиги 12,1%, машинанинг унумдорлиги 690 кг/с ни ташкил қилди. Бахорги жуннинг тозалаш самарадорлиги 16% ни ташкил қилди.

Тажрибаларнинг иккинчи босқичида қиррали колосник панжарада олиб борилди. Бунда бахорги ва кузги қоракўл жунидан фойдаланилди. Колосник қирраси 40<sup>0</sup> бўлганда ўтказилган тажрибада кузги жуннинг ифлосликни тозалаш кўрсаткичи 12,1%дан 14,5% га яхшиланди. Бахорги жунда ифлослик тозалаш кўрсаткичи 16,0%дан 20,2% га самарадорлиги ошди.

Олинган натижалар асосида такомиллаштирилган жунни титиш машинасидан фойдаланилганда кузги жун учун 10% дан 14,5% га бахорги жунда эса 13% дан 20,2% га тозалаш самарадорлиги ортгани аниқланди.

Бухоро вилоятида фаолият кўрсатиб келаётган “Тинчлик” хусусий корхонасида титиш жараёни таҳлил қилинди ва тажриба ўтказилди. Натижада титиш жараёнидаги технологик нуқсонлар аниқланди. Мавжуд 2БТ-Ш машинаси титиш машинасидан олинган жун намуналари билан такомиллаштирилган титиш машинаси ёрдамида титилган жун таққосланди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики “Оқбўтаева Зулхумор” хусусий корхонаси ҳамда “Тинчлик” хусусий корхонасидаги таҳлиллардан кескин фарқ қилмади.

Таклиф этилган жунни титиш машинасини жорий этишдан олинган иқтисодий самаранинг ҳисоби жунни дастлабки ишлаш саноатида янги технологияни жорий қилишдан иқтисодий самарани аниқлаш услубияти бўйича ҳисобланди. Такومиллаштирилган жунни титиш машинасининг жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқарилаётган ҳар 1 тонна толага 33357,1 минг сўмлиги аниқланди.

## ХУЛОСА

Жунни титиш жараёнини такомиллаштирилган технологиясини яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

Жунни дастлабки ишлаш технологияларини таҳлили шуни кўрсатадики ҳар бир минтақа хомашёсига мос техника технологияни талаб қилади.

1. Адабиётлар таҳлили бўйича жунни дастлабки ишлашда, мавжуд титиш машиналари ва мавжуд титиш технологиясининг ҳозирги талабларга тўла жавоб бермаслиги, технологик ва конструктив жиҳатидан, тозалаш самарадорлигини оширишнинг кўпгина очилмаган имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

2. Жунни титиш машинаси ишчи камерада бўлакчаларга бўлиниши назарий ўрганилди. Титиш самарадорлигига таъсир этадиган машина органларнинг ҳаракат қонунияти аниқланди. Колосник панжара юзаси бўйлаб қозикли барабаннинг дастлабки таъсирида, жун зичлиги камайиши ва жун бўлакчаларининг чизикли тезликларини ошиш қонунияти аниқланди.

3. Қозикли барабанлардан сўнг жуннинг зичлиги икки мартагача камайиши аниқланди. Натижада жун таркибидаги ифлос аралашмаларнинг пассивлашишига ва жун таркибидаги ифлосликни жун юзасига чиқишига олиб келди. Жунни колосник панжара ишчи юзаси билан таъсирлашиши титилиш ҳамда тозалаш самарадорлигини жадаллашишига имкон яратди.

4. Машинанинг тозалаш самарадорлиги қозикли барабанлар секциялари бўйича ошиши ва таъминловчи валикларнинг чизикли тезликларини ортиши тозалаш самарадорлигини камайишига олиб келади.

5. Титиш машинасига ўрнатилган таъминлаш валиклар орасидаги технологик тирқиш 10 мм, сиқиб берувчи валикнинг тезлиги машинанинг рационал кўрсаткичи ҳисобланади. Такومиллаштирилган таъминлагичдан фойдаланилганда тозалаш самарадорлиги 12,1%га яхшиланди.

6. Таъминлаш валикларига жунни ўралиб қолиши кузатилмади. Таъминлаш валиклар диаметри 100 мм бўлиб, унда рифтали валиклардан фойдаланиш тавсия қилинади. Валиклардаги рифла баландлиги 5 мм, эни 5 мм бўлиши мақсадга мувофиқ этилади.

7. Колосник панжарада баҳорги жун бўйича ўтказилган эксперимент натижалари шуни кўрсатадики, кирувчи омил Х1(+), Х2(+), Х3(-) бўлгандаги тозалаш самарадорлик 14,5% ни яъни энг юқори натижага эришилди. Ҳаттоки параллел тажрибада олинган натижалар 13,3% ни ташкил қилди.

8. Кузги мавсумдаги жунни тажриба натижаларидан кўриниб турибдики Х1(+), Х2(+), Х3(-) бўлганда тозалаш самарадорлиги 16% ни ташкил этди. Бу колосник қирраси ва колосниклар орасидаги масофанинг турли ўлчамларда олинган юқори самарадорликга эришилган қиймати бўлиб ҳисобланади.

9. Тажрибада қиррали колосник қўлланилганда тозалаш самарадорлиги 14,5% га яхшиланди. Колосниклар орасидаги технологик тирқиш 10мм,

колосник ва қозикча ораси 25 мм, колосник қирраси 40<sup>0</sup> бўлгандаги машина кўрсаткичлари қоракўл жунини титишда рационал кўрсаткич ҳисобланади. Колосниклар орасига ифлос аралашмаларнинг тиқилиб қолиши, қозикли барабан қозикларига жун бўлакларининг илашиб қолиши бартараф этилди.

10. Кузги мавсумда олинган жун таркибидан титиш жараёнида 3% дан ортиқроқ калта тола ажратилди.

11. Жунни дастлабки ишлаш корхонасида тавсия қилинган титиш машинаси ўрнатилди ва ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида 1 тонна жун тола учун 3335,7 (уч миллион уч юз ўттизбеш минг етти юз) сўмлик иқтисодий самара олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИСМОЙЛОВ ФУРКАТ БАРОТОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ УСОВЕРШЕНСТВОВАННОГО  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА ПЕРВИЧНОЙ ОБРАБОТКИ  
ШЕРСТИ**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ  
НАУКАМ (PhD)**

**Бухара – 2021**





## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире расширение ассортимента конкурентоспособной продукции за счет переработки текстильного сырья, использования новых методов обработки, сохранения качества текстильного сырья и использования технических средств занимает одну из ведущих позиций. За год во всём мире производится 1,160 миллион тонн шерстяного волокна<sup>1</sup>. А это, в свою очередь, требует разработки отдельного технологического процесса технологии подготовки и обработки шерсти в текстильной промышленности, основанного на природных свойствах шерсти каждого региона, а также внедрения машин, которые качественно выполняют эти процессы. В связи с этим важное значение имеет использование высокоэффективных очистительных устройств, сохраняющих при этом природные свойства шерстяного волокна.

Во всем мире ведутся научно-исследовательские работы по разработке новых научно-технических решений по переработке шерсти, использованию ресурсосберегающих технологий и технических средств очистки посторонних соединений из ее состава. В связи с этим, особое внимание уделяется обеспечению высокого качества работы на начальном этапе очистки шерсти - от крупных и мелких примесей, а также сбережению энергии и ресурсов, разработке энергосберегающей машины для первичной очистки шерсти и обоснованию технологического процесса, параметров и режимов работы.

В Республике на предприятиях первичной обработки шерсти принимаются широкомасштабные меры и достигнуты определенные результаты по внедрению мини-технологий, совершенствованию существующего морально и технологически устаревшего оборудования для разрыхления и промывки шерсти. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставятся важные задачи, в том числе «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, снижение энерго и ресурсопотребления в экономике, широкое внедрение энергосберегающих технологий в производстве»<sup>2</sup>. В частности при выполнении этих задач, в том числе Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 649 «О мерах по организации системы заготовки, хранения и переработки шкур овец, каракуля и шерсти, выращиваемых субъектами каракулеводства, а также налаживанию систем доставки их перерабатывающим предприятиям» предусмотрены необходимые вопросы, такие как создание и финансирование проектов модернизации существующих предприятий по переработке шерсти.

Диссертационная работа способствует реализации целей, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан за № ПП-4947 от 7 февраля 2017

<sup>1</sup> <https://www.commonobjective.co/article/global-wool-production-and-sustainable-standards>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан за № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»,

года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и постановлениями ПП-3117 от 7 июля 2017г «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в области сельскохозяйственного машиностроения», ПП-4410 от 31 июля 2019 г «О мерах по ускорению развития сельхозтехники, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельхозтехникой», ПП-4709 от 11 мая 2020г «О дополнительных мерах по специализации регионов республики по выращиванию сельхозпродукции», а также реализация задач, предусмотренных другими нормативными актами, относящиеся к этой деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в Республике.** Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и техники республики П. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Методами очистки шерсти и разработкой исследованиями машин по переработке шерсти за рубежом занимались многие ученые, такие как А.А. Угрюмов (Россия), К.В. Афанасьев (Россия), Л.С. Горбунова (Россия), С.А. Носкова (Россия), Я.Я. Липенков (Россия), А.М. Домашинко (Россия), В.И. Безруков (Россия), Н.И. Шлеудяков (Россия), Е.В. Грязнова (Россия) Исследования по созданию колковых барабанных очистительных машин для разрыхления-очистки шерсти, исследования по развитию их научных основ проводили А. Г. Печникова (Беларусия), В. Г. Алексеев (Польша), А. Г. Джонсон (США) и другие.

В Республике фундаментальными и прикладными исследованиями, направленными на совершенствование машин по переработке шерсти и определению оптимальных их решений занимались Х.Т. Ахмедходжаев, М.К. Кульметов, С.А. Юсупов, Ш.М. Ризаев, М.Д. Зокиров, Ж.А. Каюмов, Б.Б. Ахмедов, Я.К. Гафуров и другие. Преведённые вышеуказанные исследования посвящены изучению и усовершенствованию специфических свойств шерсти, определению физико-механических свойств, использованию и совершенствованию химических технологий при промывке, расчёсыванию, обработке шерсти, а научно-практические исследования, направленные на создание технологии разрыхления шерсти, ресурсосберегающих и эффективных конструкций машин, проводились недостаточно.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской деятельности вуза, в котором завершена диссертация.**

